

11

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 13/03-22-89

« 9 » 04 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлигига

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши устидан парламент ва депутатлик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, туманни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг 27 – 31 март кунлари Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Қуйичирчиқ туманларида сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказилди.

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани “Учтепа” маҳалласида яшовчи фуқаролар билан мулоқот жараёнида ички йўллар таъмирталаб аҳволда эканлиги масаласи ва аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш масалалари бўйича ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги борлигини баён этишган.

Шунингдек, Оққўрғон тумандаги “Шохрухия” худудига йўналиш автобуслар хизмати йўлга қўйилмаганлиги, Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун автотранспорт хизматларига шарт-шароитлар тўлиқ яратилмаганлиги сабабли талабалар коллежга боришда қийналаётганликлари ҳамда ушбу ўқув юртларида давомадни пасайишига олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 12-моддаси ва “Парламент назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ юқорида зикр этилган худуддаги ички йўлларни таъмирлаш, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар ҳақида 10 кунлик муддат ичида ёзма жавоб беришингизни сўрайман.

А.Умаралиев